

АҚШда тахсил олиш бўйича АҚШ ҳукумати томонидан хомийлик қилинадиган Алмашинув Дастурлари тўғрисида тез-тез сўралиб турадиган саволлар

Бундай дастурларда кимлар қатнаша олади, ҳамда хар бир дастурнинг ўзига хос жихатлари нимадан иборат?

Дастурнинг талаби ва ўзига хос жихати ҳақида кўпроқ маълумот олиш учун «Алмашинув Дастурлари» деган жойни босинг.

Илмий даража ҳамда ҳеч қандай илмий даража бермайдиган дастурлар нима?

Илмий даража берадиган дастурда, қатнашчи алмашинув дастури якунида илмий унвон олади (бакалавр, магистратура ва ҳаказо). Илмий даража бермайдиган дастурларда, қатнашчи одатда АҚШда 1 йил ёки ундан камроқ муддат тахсил олади ва дастур якунида ҳеч қандай даража олмайди.

Хар бир дастур учун ёш чеклови борми?

Дастурларнинг кўпчилиги ёш чеклови ўрнатмайди. Уларда асосий эътибор билим савияси ёки касбий маҳорат ва эришилган ютуқларга қаратилади. YEO ва FLTA дастурлари бундан истисно.

«Очик рақобат» нимани англатади?

«Очик» дегани қатнашчилардан ариза қабул қилиш, ҳамда голибларни аниқлаш жараёни шаффоф (транспарент) бўлиб, унда аниқ ва содда талаблар қўйилади. Ариза қабул қилиш жараёни ва талаблари барча қатнашчилар учун бир хил бўлиб, ҳеч қандай таниш-билишчиликка йўл қўйилмайди.

Мен TOEFL имтиҳонини топширишим шартми?

Ҳа, қуйидаги дастурларда иштирок этиш учун шарт: Hubert Humphrey, UGRAD, Muskie ва FLTA. АҚШ элчихонаси TOEFL тестига тааллуқли харажатларни қоплайди ва мазкур тестни уюштиради. Бу ишни аризаларни кўриб чиқиш жараёни доирасида, одатда ярим финалистлар суҳбатдан ўтгандан сўнг амалга оширади.

Бир вақтнинг ўзида, мен икки ёки ундан ортик АҚШ ҳукумати томонидан хомийлик қилинадиган дастурларда қатнашишим мумкинми?

Ҳа мумкин, агар сиз иккисига ҳам лаёқатли бўлсангиз албатта. Агар сиз иккисида ҳам финалист бўлишга муваффақ бўлсангиз, унда сиз қай бирини танлаш бўйича ўзингиз қарор қабул қилишингиз керак. Сиз иккала дастур грантини олишингиз мумкин эмас. Сиз иккала дастурда қатнашингиз ҳақида очиғини айтишингиз лозим.

Мен дастурда қатнашиш учун қайтадан ариза берсам бўладими?

Агар сиз олдинги аризангизда ёлгон маълумот берган бўлсангиз ёки маълумотни нотўғри тақдим қилган бўлсангиз (сизни дастурда қатнашиш учун лаёқатсиз топилганда) ёки сизнинг мақомингиз ўзгарганда, сиз қайтадан ариза беришингиз мумкин. Қайтадан ариза бериш учун сиз янгидан анкета тўлатиб унга илова қилинадиган барча ҳужжатларни, жумладан, тавсияномаларни топширишингиз

ШАРТ. Анкеталар хар йил ўзгариб туради, ҳамда анкета топширилган ҳужжатлар сақланмайди ва эгаларига қайтарилмайди.

Мен йирик шаҳарда истеқомад қиламан, бу фойда қиладими ёки зарар?

Жуғрофий жойлашув қатнашчиларни аниқлашда ёки ғолибларни танлашда унчалик аҳамиятга эга эмас. АҚШ элчихонаси қатнашчиларни ирки, миллати, ранги, жинси, келиб чиқиши ёки яшаш жойига қараб ажратмайди. Қатнашчилар ўз аризаларида кўрсатилган мақсадлари, ҳамда ўз билимларининг қанчалик кучли эканига қараб танланадилар. Асосий талабардан бири улар АҚШда тахсил олгандан кейин ўз жамиятларига қандай ижобий таъсир кўрсата олишларидир.